

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

ЁРУҒ ФИКРАТЛИ ИНСОН

**Таниқли адабиётшунос, туркшунос олим,
жонкуяр устоз, ижодкор, профессор
Адҳамбек Алимбеков таваллудининг**

70

йиллигига бағишланади

ТОШКЕНТ – 2024

Ёруз фикратли инсон (адабиётшунос, туркшунос олим, ижодкор, профессор Адҳамбек Алимбеков таваллудининг 70 йиллигига бағишланган рисола). – Тошкент: 2024. – 216 б.

Ушбу китоб таниқли адабиётшунос, туркшунос олим, ижодкор, жонкуяр устоз, “Дўстлик” ордени соҳиби, профессор Адҳамбек Алимбеков таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб тайёрланган бўлиб, унда кўп йиллардан бери устоз билан бирга фаолият олиб бораётган ҳамкасблари, яқин дўстлари ва шогирдларининг дил сўзлари, олимнинг самарали илмий, ижодий ва педагогик фаолияти ҳақидаги маълумотлар ҳамда унинг фаолиятини акс эттирувчи фотолавҳалар, олим яратган илмий ва ўқув адабиётлари, услубий ишларнинг тўлиқ библиографияси ўрин олган.

Нашрга тайёрловчи:

Хайрулла Ҳамидов, филол. ф. д. ТДШУ профессори в.б.

Масъул муҳаррир:

Қудратулла Омонов, филол. ф. д. профессор

Такризчи:

Жумали Шабанов, филол.ф.д. доцент

Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2024 йил 30 мартдаги 8-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2024.

Содиқов, Қудратилла Омонов ва Адҳамбек ака билан кўришиб кетишга ҳаракат қиламан. Чунки бу инсонлар билан учрашиш менга доимо илмий ишимга оид бирор янгилик беради.

Адҳамбек Алимбеков билан неча марта мулоқотда бўлмайлик гапимиз чала қолгандек бўлаверади. Мен ҳозир қозок маърифатпарварлари ҳақида илмий изланишлар олиб бораёпман. Домла билан айрим масалаларда маслаҳатлашиб турамиз. Адҳамбек ака ҳеч малолнанмай қўлидан келган ёрдамни беради.

Қанча мулоқотда бўлган билан, барибир, бировни тўлиқ ўргандим, деб бўлмас экан. Қолаверса, у машҳур олим бўлса!

Олим дегани, олам дегани эмасми? Одатда маълум ёшга кирган олим ёки адибни қутлаш учун бисотимиздаги энг чиройли, тасирчан кўзларни топишга ҳаракат қиламиз. Назаримда, бугун 70 ёшни ҳам фикран, ҳам жисман ёшартириб турган устоз Адҳамбек Алимбеков ортикча мақтовга муҳтож эмас. У чин маънода эътироф ва эҳтиромга сазовор олимдир.

Устозга ижодий муваффақият, мустаҳкам соғлиқ, фан тараққиёти борасидаги фаолиятига барака тилаймиз. Илоҳим, фарзандларининг меҳр-оқибатини кўриб, узок яшаш насиб этсин!



ИЛМГА БАХШИДА УМР

Рустам ШАРИПОВ, ф.ф.н., доцент

Мен ўзимни бахтли инсонлар сирасига киритаман. Сабаби, ўтган асрнинг 70-йиллар охири 80-йиллар бошларида Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг Ўзбек филологияси факультети талабаси бўлган давримда ўзбек адабиётшунослиги ва тилшунослиги илми дарғалари бўлмиш Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Аюб Ғуломов, Лазиз Қажумов, Субутой Долимов, Шавкат Раҳматуллаев, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Ёқуб Ғуломов, Миразиз Миртожиев,

Омонулла Мадаев, Улуғбек Долимов, Ёрмат Тожиев, Мухсин Олимов каби устоз олимларнинг маъруза ва ўғитларини эшитиш бахтига мушарраф бўлганман. Аммо, ушбу забардаст устозлар ортидан таълим жараёнига бир гуруҳ ёшлар ҳам кириб келишган эдики, уларнинг ичида Адҳамбек Алимбеков алоҳида ажралиб турар эди.

Улуғ устозларнинг анъаналарини давом эттиришга бел боғлаган ёш, иқтидорли ва ғайратли олим сифатида ўзини намоён этган Адҳамбек ака ўзларининг илк маърузалариданок биз талабаларнинг эътиборини қардош адабиётлар тарихи муаммоларига жалб этишга, энг асосийси, туркий халқлар адабиётларининг генеологик жиҳатдан яқинлигини бой фактик материаллар орқали асослаб беришга муваффақ бўлганлар (бу эса ўша йилларда мафкура нуқтаи назаридан рағбатлантирилмас эди).

Шу билан бирга, устознинг сермазмун, мисолларга бой маърузалари, аниқ ва равон оҳанглари кўпчилигимизда илм-фан, таълим соҳалари, шунингдек ижодга бўлган қизиқишимизни уйғотганлиги ҳам айни ҳақиқат. Бугунги кунда филология фанлари доктори, профессор мақомида фаолият олиб бораётган Хулкар Хамраева, Ёқубжон Саидов, Баҳодир Раҳмонов, Абдулла Улуғов, Салимжон Ғаниев, Сайёра Холмирзаева каби курсдошларимиз, Халима Аҳмедова, Ғофиржон Тожибоев, Муталлиб Содиков каби ижодкор дўстларимизнинг олиб бораётган фаолиятлари фикримизга далил бўла олади.

Сўнгги ўттиз йил давомида Адҳамбек Алимбековнинг турк адабиётига қизиқишлари ортиб, ўзбек адабиётида юз берган ва бераётган жараёнларни узвий боғлиқликда тадқиқ этиш тенденцияси кучайганлигини кузатиш мумкин. “Турк адабиёти тарихи” (1997), “Турк адабиёти (XIII-XVIII асрлар)” (2005), “Юлдузнинг беш қирраси” (2012), “Латиф шеърят” (2014), “Турк адабиёти” (2016), “Турк адабиёти тарихи (Танзимат даври турк адабиёти)” (2021), “Азиз Несин асарлари бадииятининг таржимада акс этиши” (хаммуаллифликда, 2021), “Turk adabiyoti tarixi (XIII-XVIII asrlar)” (2021) каби ўқув ва монографик характердаги асарлари устознинг айни мана шу йўналишдаги кузатишларини ўзида жамлаганлигини кўрамиз.

Бугун атоқли шарқшунос ва адабиётшанос олим мақомига эришган устозимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Тошкент давлат шарқшунослик университети профессори Адҳамбек Алимбеков ўзларининг 70 ёшларини яқинлари ва шогирдлари давраида қарши олмақдалар! Фикримизча, илм йўлини танлаган инсон учун 70 ёш у қадар катта эмас. Шу сабабдан, илм-фан йўлида етуклик босқичига етган Устозимизга узоқ ҳамда сермазмун умр, сихат-саломатлик, мустаҳкам оилавий бахт ва янгидан-янги илмий қашфиётлар тилаб қоламиз.



СЕРҚИРРА ОЛИМ

Фарида СУЛТОН, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Сиз билан бизнинг орамизда ҳаётда катта ютуқларга эришган, кўп қиррали, истеъдодли инсонлар борки, улар ҳеч қачон ўз ютуқлари ҳақида мақтанмайдилар, кибрга берилмайдилар. Зеро, "камликнинг камоли бор".

Шундай кишилардан бири ТошДШИ профессори, филология фанлари номзоди Адҳамбек Алимбековдир. Мен бу камтарин, самимий инсонни биринчи марта бир неча йиллар илгари Ёзувчилар Ижод уйида Наврўз байрами тантаналарида учратган эдим. У барча катта-кичикка хушмуомалалик билан мурожаат қилар, илтифотли, гоҳида суҳбатдошини кўнглини кўтариб ҳазил-хузул қилиб турарди. Кейинчалик у кишини ким эканлигини билганимдан кейин камсуқумлигига, оддийлигига қойил қолган эдим. "Камтарлик ҳам комилликнинг бир белгиси", — деб донолар тўғри таъкидлашган.

У 1976 йили Тош ДУнинг филология факультетини " қизил диплом" билан битириб, 1982 йили номзодлик ишини ёқлади ва ўзи ўқиган университетда ўзбек адабиёти ва жаҳон адабиёти фанларидан дарс бера бошлади.

Тиришқоқлиги, интилувчанлиги туфайли муваффақиятларга эришди. "... тиришқоқлик кучли хоҳишга асосланган бўлса, қай-

Ҳумоюн Акбар “Жадид” газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари, шоир, таржимон. Устоз ибрати	65
Бобоҳон Муҳаммад Шариф, адабиётшунос, таржимон. Баҳрамандлик саодати	69
Мирзапўлат Тошпўлатов, ёзувчи, сценарист, Ёруғлик	73
Турсун АЛИ, шоир. Олим ва ижодкор	75
Мамлакат Жўрабоева, филология фанлари номзоди, доцент Фахрийлар фаҳри	78
Яҳё Тоға. Тўйхат	80
Янгибой Қўчқоров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Адабиёт илмининг навозандаси	82
Кўчар ЭШНОРОВ, Чироқчи туман “Олтин мерос” х.х.ж. фонди раиси: Халқаро “Олтин мерос” медали соҳиби Чимкентга саёҳат	90
Салимжон Ғаниев, Жумабек Ташенев номидаги университет катта ўқитувчиси, PhD. Адабиётга баҳшида умр	93
Ёрмуҳаммад Мадалиев, М.Ауезов номидаги ЖҚУ доценти, PhD. Олим суратига айрим чизгилар	95
Рустам Шарипов, ф.ф.н., доцент. Илмга баҳшида умр	97
Фарида Султон, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира. Серқирра олим	99
Хазифа Исламжанова, филол. ф. д., ТДШУ проф.; Пошшажон Кенжаева, филол. ф. д., ТДШУ проф. Залворли умр	102
Улфатхон Муҳибова, филол. ф. д., ТДШУ профессори, Ҳозиржавоб Адҳамбек алимбеков	105
Шорустам Шомусаров, филол. ф. д., ТДШУ профессори. Жаҳонгашта адиб	106
Джумали Шабанов, филол. ф.н. ТДШУ, Туркишунослик факультети. Туркий халқлар адабиётининг улкан чинори	108
Абдулла Улуғов, адабиётшунос, Дипломатик табассум соҳиби ...	111